

Ўсмир кўчанинг  
боласи эмас,  
юртимиз эгаси

Тиланчининг  
«танка»си  
бор

Меҳрибонлик  
уйлари ислоҳотга  
муҳтожми?

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



# ЖАМИЯТ

№ 19 (655)  
2019 йил  
17 май,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



*Бошқалар йўқ тарихини бор қилишга ҳаракат қилади. Биз буюқ тарихимизни, алломаларимиз меросини халқимизга, ёшларимизга тўлиқ етказиб беролмадик. Ўзлигимизни англаш нуқтаи назаридан шундай жойларга эътибор берсак, бунга ҳамма эътибор қаратади.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## Амал ва ниятлар уйғунлиги

Ҳар бир мамлакатнинг қудрати, салоҳияти, имкониятлари нима билан белгиланади? Бу саволга ялпи ички маъсулотнинг улкан ҳажми, саноатнинг юксак тараққиёти, катта даромади, ишлаб чиқаришнинг барқарор суръатлари ва бошқа омилларни кўрсатиб жавоб бериш мумкин.

Албатта, уларни асло инкор этиб бўлмади. Шунинг билан бирга давлатнинг қудрати ва салоҳиятини тарихий мерос ва аждодлар маданияти ёрқин тарзда акс эттиради, десак янглишмаймиз.

Ўзлигимиз, насл-насабимиз гавҳари — улуг бобоқалонларимиз ибрати, қолдирган бой илмий-адабий мероси, жасорати, панду насихатларини ўрганишни, сабоқ чиқаришни мақсад қилдик. Шу аснода улар хотирасига бўлган

эҳтиромимизни, ворислик садоқатини чин дилдан, катта ғайрат-шижоатлар ила изҳор қилдик. Чунончи Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби азиз-авлиёларимиз руҳларини шод этмоққа киришдик.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолари тарихий обидаларни асраб-авайлаш, буюқ аждодларимизнинг бой меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкентда Ислому цивилизацияси маркази, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилмоқда, Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад Термизий, Қарши туманидаги Абул-Муъийн Насафий зиёратгоҳлари ва бошқа қадамжоларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Гап шундаки, ана шундай хайрли ишларнинг мантиқий давоми ўлароқ, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг

## Буюқлик мезони

10 май кuni Шайхонтоҳур туманидаги Сузук ота мажмуасига ташриф буюриши юртдошларимизни беҳад руҳлантирди. Бинобарин, муқаллас Ислому динининг эзгу амалларини эъзозлаш, улуг алломаларимиз меросини тиклаш, қадамжоларини обод этиш борасидаги хайрли ишлар муборак Рамазон ойида эзгулик нуллари янада кўпайтиради. Умуман, Юртбошимиз раҳбарлигида ҳар йили Рамазон ойида Ислому динининг асл моҳиятини тарғиб этиш, илм-фанни ривожлантириш, эътиқод эркинлигини таъминлаш, мўмин-мусулмонлар учун кенг шароит яратиши бўйича янги-янги ташаббуслар рўёбга чиқарилмоқда. Айни муқаддас Рамазон кунлари Сузук ота мажмуаси тўла фойдаланишга топширилгани пойтахт аҳолисига ўзгача тўхфа бўлди.

Худди шу кuni Президентимиз Чилонзор тумани «Сўгалли ота» ва «Гузал» кўчалари кесинмасида барпо этилган Шайх Муҳаммад Солиқ Муҳаммад Юсуф номидаги мажмуада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди. Давлатимиз раҳбари ўтган йили февраль ойида бу ерда бўлиб,

мажмур мажмуа лойиҳаси билан танишар экан, уни янада такомиллаштириш, бунда халқимиз ва уламоларнинг таклифларини ҳам ўрганиш бўйича топшириқлар берган эди.

Мажмуанинг қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 25 дан ортиқ техника ҳамда 170 нафарга яқин малакали муҳандис ва ишчилар жалб қилинди. Мажмуадан 2 минг кишига мўлжалланган масжид, анжуманлар зали, кутубхона, мақбара, таҳоратхона, музей ва бошқа ёрдамчи хоналар жой олган.

У кишининг дунё мусулмонлари ўртасидаги обрў-эътибори жуда баланд эди. Бу улуг ватандошимиз Бутундунё мутафаккир уламолари уюшмасининг Ижроия кўмитаси аъзоси, Бутунжаҳон мусулмон уламолари халқаро уюшмаси, Бутундунё Ислому уюшмаси каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг, Иордания қироллик академиясининг ҳам аъзоси эди. У киши Миср Араб Республикасининг «Нил лаври» олтин нишони, шунингдек, Россия, Ливия ва бошқа давлатларнинг кўплаб юксак мукофотларига сазовор бўлганди.

Давоми 2-саҳифада ▶▶

**ҚИСКА  
САТРАЛДАРДА  
ЎҚИНГ!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев худудлар иқтисодиёти, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 16 май кuni Андижон вилоятига жўнаб кетди.

«Бошланиши 1-саҳифада»

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ислом динининг асл моҳиятини тарғиб этиш, ёш авлодни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга қаратилган эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг турли тилларда чоп этилган асарлари ёш авлод учун улкан тарбия ва ибрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бундай манзиллар сафининг кўпайиб бораётгани, мавжудлари тубдан таъмирланган, обод этилгани ҳам эзгу ниятли халқимизнинг азалий қадриятларига ҳамоҳангдир. Ўтганларни хотирлаш, азиз-авлиёларнинг руҳларини шод қилиш борасида бажарилаётган хайрли амалларнинг савоби самараси юртимизга янада файзу баракот келтириши, шубҳасиз. Негаки, бундай эзгулик асрлар ўтса-да, келгуси авлодлар учун мангу ибрат бўлиб қолавереди.

**Армон ва Адолат**

Хартанг — бир бугун дунёга маълуму машҳур қишлоқ. Чунки бу ерда Имом Бухорий ҳазратларининг хоки туроблари бор. Бу табаррук манзил, таассуфлар бўлсинки, мустабид тузум даврида харобага айлан-тирилди.

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг «Бу воқеа олис 1956 йилда бўлиб ўтган эди» номли мақоласини ўқиймиз: «1956 йилда ливанлик машҳур шайх Надим Москвага келади. Ташриф асносида Имом Бухорий хобгоҳини зиёрат қилиш истагини билдиради.

Аммо мақбара вайрона аҳволда, бутун Ислому оламида муқаддас саналган қабр ёнидаги масжид бир неча йиллардан буён кимёвий моддалар сақланганидан омборхона хизматини ўтаб келаётгани маълум бўлади. Уни қисқа муддат ичида мўътабар меҳмонлар зиёрат қилишга лойиқ аҳволга келтириш амримаҳол иш эди. Шунда «Меҳмонни самолётда эмас, поезлда жўнатиш керак», деган таклиф ўртага ташланади. Яъни, самолёт Тошкентга 4 соатда учиб келса, поезд Москвадан Самарқандга 4 кунда етиб боради. Мана шу 4 кун ичида мақбара зиёратга шай қилиб қўйилиши керак.

Хартангда 4 кун давомида кечани кеча, кундузни кундуз демай, вайрона ва ташландиқ мақбарани эпикага келтиришга ури-нишади. Бироқ йиллар давомида хароб бўлган жойни тўрт кунда ўзгартириб бўлармиди? Шу боис вақт-

ни чўзишга ҳаракат қилинади. Кун бўйи Ўзбекистон пойтахтини эринмай «томоша» қилган Шайх Надим тонгда Самарқандга учиб келади. Сўнг уни қадимий шаҳарни томоша қилишга таклиф қилишади. Шайх Самарқанднинг Ислому ва Шарқ тамаддунида қандай салмоқли ўрин тутишини яхши биларди. Шу сабабдан бир пайтлари олис боболарининг изи қолган Туркистоннинг гавҳари бўлмиш шаҳарни завқу шавқ билан айланади. Шайх Ҳазрат Қусам ибн Аббос турбатиде узоқ вақт қолиб, Қуръон тиловат қилади.

У кеч тушаётганидан безовталаниб «Ҳазрати Имом мазорларига қачон борамиз?» деган саволни кўндаланг қўяди. Ўйлаган режалари амалга ошаётганидан мамнун мезбонлар меҳмонни автомобилга ўтказиб, Хартанг томон йўлга тушади. Ҳайдовчи тезликни пасайтириб, автомобилни катта йўлдан ичкарига бурди, қора лимузин эски асфальт йўлдан асталик билан чайқалиб-чайқалиб кета бошлади. Машина чироғи фақат яна ўша галати дарахлар қаторини ёритиб боради, холос. Ниҳоят, олдинги ўриндиқда ўтирган одамнинг ипораси билан автомобиль тўхтади. Машинадан тушган Шайх Надимни ҳаяжон босди. Толиққан тиззалари қалтиради. У таржимондан «Етиб келдикми?» деб сўради. Таржимон машинани тўхтатган одамдан «Имомнинг қабригача қанча қолди?» деб сўради. У таржимонга эмас, шайхга қараб «500-600 метрча» деб жавоб берди. «Қайси томонга бориш керак?» деб яна сўради шайх. Шериклари бараварига қўлларини олдинга чўзишди: «Мана бу томонга»

Кейин... Кейин нуфузли меҳмон ҳамроҳларини лол қолдириб тиз чўкади, ерни ўпади ва боя улар кўрсатган томонга — Ҳазрати Имом мазори томонга тиззасида юра бошлайди. У шиддат билан, аммо шош-илмай юрарди. Шу пайтгача сукунат кўр-ша-ган

Мамлакатимизда маърифий исломни ривожлантириш, буюк алломалар мақбараларини обод қилишга қаратилаётган эътибор халқаро миқёсда тан олинмоқда. Хусусан, Ислому ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ISESCO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислому маданияти пойтахти бўлиши эълон қилинди.

Президентимиз жорий йилнинг март ойида Бухоро вилоятига ташрифи асносида бу санага юқори даражада тайёр-гарлик кўриш, унинг доирасидаги тадбирларни Абдуҳолиқ Гиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги билан ҳамоҳанг нишонлаш, халқаро илмий

# Буюклик мезони

атрофни тиззалаб юриб бораётган одам эҳтирос билан ўқиётган Қуръони Карим оятларининг жарангги тўлдирга бошлайди.

Қабр қошига етгач, Шайх Надим яна бир қарра ерни ўпди-да, кўзидан ёш қуйилган аҳволда тўхтамай Қуръони Каримни тиловат қила бошлади. Шу ўтиришида шайх тонггача тиловат қилди. Тонггача ўн йиллар ичида бу атрофда бирор марта янграмаган оятлар жаранглади. Фақат кун ёришгач, ўрнидан туриб, атрофга назар ташлар экан, Шайх Надим нима учун Ҳазрати Имомнинг сўнгги манзилига уни тунда олиб келишгани сабабини тушунди, қабр ва масжиднинг хароб аҳволини кўриб, ўкириб йиғлаб юборди...

Бугун Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ушбу манзил бутунлай янги қиёфа касб этди.

**Азизлари ардоқланган юрт**

Табаррук масканларга бориб, зиёратга тўтинганда файзиёб ва мунавварликдан гуллаб-яшнаб бораётган Ўзбекистон фарзанди, фуқароси эканлигимиздан беҳад фахрланамиз.

Бинобарин, нафақат Самарқанд ёки Тошкент, балки ҳар бир вилоятда, шаҳару туманларда илму урфонда донг таратган, ўз маърифати нури билан инсоният истикболини маёқдек ёритишга мушарраф бўлган Хоразмий, Замаҳшарий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳонидин Марғиноний каби юзлаб алломаларнинг манзил ва маконлари борлигидан қувониб яшаймиз.

Ана шундай улуг зотлардан яна бири Баҳоуддин Нақшбанддир. Бу жой ҳозир «Қуббат ул-ислому» номи билан машҳур бўлган Бухорои шарифнинг энг кўркам жойларидан бирига айланди. Бу ерга дунёнинг турли гушаларидан сайёҳлар келиб, зиёрат қилмоқда.

Мамлакатимизда маърифий исломни ривожлантириш, буюк алломалар мақбараларини обод қилишга қаратилаётган эътибор халқаро миқёсда тан олинмоқда. Хусусан, Ислому ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ISESCO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислому маданияти пойтахти бўлиши эълон қилинди.

Президентимиз жорий йилнинг март ойида Бухоро вилоятига ташрифи асносида бу санага юқори даражада тайёр-гарлик кўриш, унинг доирасидаги тадбирларни Абдуҳолиқ Гиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги билан ҳамоҳанг нишонлаш, халқаро илмий

конференция ўтказиш бўйича кўрсатмалар берди.

**Европага сабоқ берган Фарғоний**

— Ўзбекистондаги тарихий обидалар, жумладан, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадимжолар кишига олам-олам завқу шуқуқ бағишлайди, — дейди машҳур олима, Қоҳира университети профессори Магида Махлуф.

— Ўзбекистон кейинги йилларда, айниқса, халқаро миқёсда катта обрў-эътибор қозонаётгани, нуфузи юксалиб бораётгани оқилона сиёсат самарасидир. Мамлакатингиз тарихини, аждоларингизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва уни ёш авлодга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистонни дунё танимоқда.

Мен болалигимданок Ўзбекистонни кўришни орзу қилардим. Буюк аждоларингиз қолдирган ноёб ва ўта муҳим мерос асосида бугун дунё мамлакатлари илм даргоҳларида, мактабу университетларда таълим берилмоқда. Чет эллик талабалар Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбекнинг инсоният илм-фани тараққиётидаги буюк хизматлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишмоқда. Масалан, Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган «Астрономия асослари» фундаменталь асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд. Мазкур китоб XVII асрга қадар Франция, Австрия, Италия, Оксфорд университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири унинг ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб — устурлоб назариясини ишлаб чиққани ва шунингдек, Нил дарёсида «ниломер» деган, кўп асрлар



давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратганидир.

Худди шунингдек, Мусо Хоразмийнинг математика, Мирзо Улуғбекнинг астрономия бўйича яратиб қолдирган бебаҳо қўлланмалари Европа университетларида бобокалонларимизнинг аллома устоз сифатида узоқ асрлар эъзозланишига сабаб бўлган. Буларнинг бари ўтмиши буюк бўлган миллатнинг келажаги ҳам буюк бўлиши муқаррар эканлигига ёрқин далилдир.

Бугунги кунда юртингизда ана шундай моддий ва маънавий меросни замон талаблари асосида чуқур ўрганиш ва ундан халқингизни баҳраманд қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан жуда таъсирландим.

**Ибрат, бурч ва қарз**

Юртимиз раҳбарининг ташаббуси ва гоълари асосида азиз авлиёларимиз эъзозланиши, умуман, ҳаётга татбиқ этилаётган эзгу ислохотларни қадрлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Аслида, юқорида тилга олинган ўзгаришлар маънавий юксалишга қаратилган улугвор янгиланишларнинг бир зарраси, холос. Муҳими, бундай ибратли ишларнинг барчаси сўз ва амал уйғунлигини исботлаб, сизу бизнинг, шу бағрикенг халқ билан бир тану бир жон бўлиб яшаётган турли эл ва миллат вакилларининг дилбандлари учун хизмат қилаётганини унутмаслик жонажон Ватан олдидаги қарзимиздир.

Мақсуд ЖОНИХОВ



ҚИСКА САТРАПЛАРДА УҚИНИ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни Россиянинг атом энергияси бўйича «Росатом» давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.

# Меҳрибонлик уйлари ислоҳотга муҳтожми?

Хива шаҳрида кўп йиллардан бери фаолият юритиб келаётган даргоҳ бир пайтлар оддий халқ тили билан «детдом» деб аталарди. Собиқ тузум даврида ота-онасиз қолган болалар яшаган маскан шу атамага мос эди. Табиийки, бу даргоҳнинг шароити, таъминоти ўз номига яраша бўлган. Истиқлолдан сўнг эса бундай масканларга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

Меҳрибонлик уйи номини олган даргоҳ ҳақиқатда кўнгли ярим болажонларга меҳр улашувчи, кам-қўстини бутловчи, уларни бошқа тенгқурлари каби ҳеч нарсадан кам бўлмай, кўнглига озор етказмай тарбиялаб, вояга етказадиган, ҳаётга йўланма берадиган масканга айлантирилди. Бироқ Меҳрибонлик уйи қанчалар шинам, барча шарт-шароитларга эга, энг сўнгги замонавий мебель ва жиҳозлар билан таъминланган бўлмасин, барибир кўнглининг бир жойида кемтик бор. Бу куралей кўзлар ота-она меҳрига зор.

Бу ер салкам 4 йил аввал «Болалар шаҳарчаси»га айлантирилди. Ота-она меҳридан мосуво 129 нафар боланинг яшаш учун барча шароит муҳайё. Икки қаватли намунали уйлар, спорт зали, ёпиқ сув ҳавзаси болажонларга мунтазир. Ҳар бир уйда 6 нафардан 8 нафаргача бола барча маиший техника воситалари ва керакли мебеллар билан жиҳозланган хонада Она тарбиячи билан кичик жамият бўлиб яшайди. Ҳар бир оиланинг ўз кутубхонаси, томорқаси бор.

Меҳрибонлик ва Саховат уйларига яратилган шароитлар, уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг баҳоси йўқ. Бироқ бу ерда тарбияланаётган болаларнинг нигоҳидаги мунглилик, кўзидаги унсиз иштироб, қалб тубидаги армонлари юрак-бағрини тилка-пора қиладди. Бирор нотаниш одам келса, «мени олиб кетишга келди», деган ўй ҳар бир боланинг хаёлини тўзғитиб ўтади. Ушбу муассасаларга ишлаётган педагоглардан тортиб, ошпазларгача уларга меҳр, эътибор кўрсатади. Аммо синган кўн-

глини на қувонч, на кулгу ва на ўзгалар меҳри бутлай олади. Ҳатто, имкон қадар оила муҳитини яратишга қаратилган болалар шаҳарчалари ҳам бунга қодир эмас. Истаймизми, йўқми, бундай муассасаларда болалар ўзига хос шароитда вояга етади. Улар оддий мактабларда ҳақиқий оилаларда тарбияланаётган болалар билан бирга ўқийди. Аммо кузатишлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда давлат муассасаларида тарбияланаётган болалар ўз қобилиятида қолиб кетади. Яна бир жиҳати борки, меҳрибонлик уйидаги болалар ҳар қандай одадий оилаларда бўлиши мумкин бўлган қийинчиликларга, моддий етишмовчиликларга дуч келмайди. Улар учун ҳамма нарса давлат томонидан таъминланган. Бу эса уларни мустақил ҳаётга қадам қўйганидан сўнг турли тўсиқ ва қийинчиликлар олдида эсанкиратиб қўяди. Табиийки, уларнинг келажагида ҳам ўзаро тафовут юзга келади.

Маълумотларга кўра, бутунги кунда юртимизда давлатга қарашли 19 та меҳрибонлик уйи ва 3 та болалар шаҳарчаси мавжуд. Уларда 2 минг 575 нафар бола ота-онасиз тарбияланаётганини ўйлашнинг ўзи оғир. Ўз жигарбандидан воз кечиш бутун инсоният учун, айниқса, биздек болажон халқ учун уят. Аслида, ота-она учун фарзанднинг илк кулгуси, эмаклаши, тетапоя бўлиб юриши, «дада», «ойи» деган сўзларини эшитишдан-да улуг бахт йўқ. Аммо, минг афсуски, мана шундай бахтдан мосуво ота-оналар орамизда йўқ эмас.

Хива шаҳридаги Болалар шаҳарчасидаги 129 нафар тарбияланувчининг 122 нафари, айнан, ўзбек миллатига ман-



**Маълум бўлишича, Хива шаҳридаги болалар шаҳарчасининг ўзига 420 нафар одам фарзандликка бола сўраб, ариза билан мурожаат қилиб, навбатда турган экан. Бироқ йилга ушбу аризаларнинг бир-иккитасигина қондириларкан...**

суб. Мана шу болаларнинг фақатгина 4 нафари чин етим... Қолганларининг ота-онаси маълум сабабларга кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, расман ўз фарзандидан воз кечган ёки узоқ муддат хабар олмай ташлаб кетган экан. 129 нафар боланинг 59 нафари тирик етимлар эканини қандай баҳолаш мумкин? Бошқа муассасаларда ҳам аҳвол шундай бўлса керак. Аҳолиси салкам 2 миллионни ташкил қилувчи Хоразм вилоятида 129 нафар болани ўз оиласига олувчилар йўқми деган савол менга тинчлик бермайди. Ниҳоятда сўз-хаёллар оғушида ҳолатни янада чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилдим.

Маълум бўлишича, Хива шаҳридаги болалар шаҳарчасининг ўзига 420 нафар одам фарзандликка бола сўраб, ариза билан мурожаат қилиб, навбатда турган экан. Бироқ йилга ушбу аризаларнинг бир-иккитасигина қондириларкан, холос. Бунинг ечимини излашга ҳар қанча уринмайлик мутасаддилардан тайинли жавоб ололмадик. Сезишимизча, асл сабаб тизимда. Аниқроқ айтиладиган бўлсак, мамлакатимиздаги қаровсиз бо-

лаларни тарбиялаш тизими болаларни оилаларга фарзандликка ёки васийликка беришдан манфаатдор эмас. Масаланинг асл моҳияти ҳам мана шунда...

АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларнинг аксариятида бундай болаларнинг доимий яшашига мўлжалланган давлат муассасалари йўқ. Бу давлатларда қаровсиз қолган болаларни тўлақонли оилаларга васийликка ёки фарзандликка топшириш устувор вазифа қилиб белгиланган. Васийликка бола олган оилалар давлат томонидан яхшигина моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланади ва рағбатлантирилади. Бу молиявий жиҳатдан давлатга анча арзон бўлиши билан бир қаторда болаларнинг келажақда жамиятда ўз ўрнини топиш имкони кўпроқ эканлиги исботланган факт!

Биттагина мисол, давлат муассасаларида тарбияланаётган 2 минг 575 нафар боланинг озиқ-овқатининг ўзигагина бир кунда 4 миллион атрофида, бир йилда қарийб 17 миллиард сўм пул давлат бюджетидан ажратилади. Энди бу болаларнинг кийим бошига, бу муассасаларда ишловчиларнинг иш ҳақига (маълумот учун: биргина Хива шаҳридаги болалар шаҳарчасининг ўзига 60 нафар одам ишлайди), бу муассасаларга тегишли бино ва иншоотлар, мол-мулкни сақлаш ва фойдаланиш учун сарфланаётган маблағлар ҳисоб-китоб қилинганда эса катта қўрсаткич келиб чиқади. Агарда тизимни ўзгартириб, қаровсиз болаларни оилаларга васийликка ёки фарзандликка бериш тақомиллаштирилиб, бундай оилалар қўллаб-қувватланади, давлатнинг миллиардлаб маблағи тежалана. Энг муҳими, ота-она меҳрига зор болажонлар ҳақиқий оилада камол топиб, жамиятда ўз ўрнини топиши осон бўлади.

Бу борала ривожланган давлатларда синалган тажрибалардан ибрат ва андоза олиб, қаровсиз қолган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини асраш ҳамда тарбиялаш тизимини буткул ислоҳ қилиш вақти келди.

**Давлатназар РЎЗМЕТОВ,**  
**«Жамият» муҳбири**

## ИМКОНИЯТ, РАҒБАТ, ШИЖОАТ

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Республика ёш ижодкорлар кенгаши ташаббуси билан 10-13 май кунлари Хоразм вилояти Хива шаҳрида «Ўзбекистон баҳори» II республика анъанавий ижод фестивали бўлиб ўтди.**

Унда наср, назм, драматургия, журналистика (тележурналистика, газета ва интернет журналистикаси), тасвирий санъат ва фотография йўналишида ижод қилаётган 90 нафар ёшлар иштирок этди.

Фестиваль икки босқичдан иборат бўлиб: адабиёт ва санъат соҳасининг етук мутахассислари иштирокидаги маҳорат дарслари ҳамда ижодий ишларни баҳолашларни қамраб олди.

Ушбу фестивалнинг саралаш босқичидан ўтганини эшитиб жуда хурсанд бўлдандим, — дейди Фестивалнинг назм йўналиши болибаси

Гулҳаё Анорова. — Шу билан бирга елкамга қандай маъсулият ортилганини ҳам ҳис қилдим. Рост, голиб бўлишни истагандим, чунки ортимдан устозлариму тенгдошларим кўз тикиб қолишганди-да. Хивадан олган илҳомларим ва кўнглидошларим билан ўтказган уйқусиз мушоира кечалари ҳар қандай голибликдан ортиқлигини фестиваль давомида англаб етдим. Хуллас, менга кенг имкониятлар эшигини очган ушбу «баҳор» эса қоларли бўлди.

Мазкур фестивал олти йўналишида ижод қилаётган ёшлар ўртасида дўстлик ўрнатиш ва уларга эркин ижодий муҳит



яратишга хизмат қилди.

Тадбир давомида иштирокчилар Хива шаҳридаги «Ичан қалъа» ва бошқа тарихий обидаларни зиёрат қилиб, келгусидаги ижодий ишлари учун анчагина

мавзулар тўплашиди.

Фестивалнинг ёпилиш маросими «Нуриллабой» саройи мажмуасида бўлиб ўтди. Тадбирда ҳар бир йўналиш бўйича утганди, жами ўн саккиз нафар иштирокчи голиб деб топилди. Уларга ташкилотчиларнинг дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

Эслатиб ўтамуз: ушбу фестиваль илк бора, ўтган йили Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган эди.

**Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА,**  
**Республика ёш ижодкорлар кенгаши**  
**ижодкорлар бўлими мутахассиси**



Ўзбекистон транзит юкларни ташиш учун Ақтау портидан фойдаланишни бошлади. Ақтау портидан 10 та фитингли платформага ўрнатилган 20 та контейнерлар илк бор йўлга чиқди.



# Тиланчининг «ТАНКА»СИ БОР

Талабалик даврим уйимдан узокда — пойтахтда ўтмоқда. Таътилга чиқишим биланоқ ота-онам бағрига шошаман. Боришимда ҳам, келишимда ҳам ҳар гал автобусга чиққанимда майда-чуйда нарсалар сотаётган аёлларга кўзим тушади. Ҳалол меҳнатнинг айби йўқ. Ҳар ҳолда тер тўкиб ишлашяпти. Бировларнинг кўлига қараб қолмай, ўзлари меҳнат қилиб, пул топишаётганига хурсанд бўламан. Аммо таъбимни хира қиладиган бир аёл бор. У ҳар гал автобус йўловчилар билан тўлганда узундан-узун дуодан сўнг ўтирганлардан садақа йиғиб чиқади. Биринчи марта кўрганимда ростдан ҳам муҳтождир, дея кўп қаторидан қолмадим. Бироқ бу автобусга чиқавериб-чиқавериб, онахон менга «қадрдон» бўлиб қолди. Бундай дейишимга сабаб, бир гал арслондек ўғилларим вафот этди, боқувчим йўқ, одамларнинг пулига куним қолди, дея бутун автобусдан пул йиғиб чиқди. Кейинги сафар эса биттаю битта қизим бор, тўшакка михланиб қолди, дори-дармонига пул керак, мендан бошқа яқини йўқ, деганида бу аёлнинг асл мақсади нима эканини англадим. Наҳотки, одамлар шунчалар иккиюзламачи бўлиб кетган. Қачон тиланчилик касбга айланиб улгурди?

гарланида қолди. Гулдай ҳунарининг борлиги уни одамларнинг кўлига қараб қолишдан асради. Кундузи ишлаб келади, кечаси тикувчилик қилади. Қариндош-уруғ, кўни-кўшнилари ҳам қараб тургани йўқ. Бироқ Маҳлиё опа ҳадеб улардан ёрдам олавермади. Аёллик гурури бунга йўл қўймади. Ҳозир бинойидек ҳаёт кечиряпти. Маҳалла-қўйдагилар уни мақтайди. Бошқаларга намуна сифатида кўрсатади.

Орамизда мана шундай жасоратли, матонатли аёллар ҳам бор. Ўқинларию кўшниларию кўмак олишни ўзига эп кўрмайди. Тўрт мучаси соғ, қўл-оёғи бутун, демак, ҳар қандай ишга ишлаганидан чиқади. Афсуски, барчада ҳам бундай мардлик, метин ирода ва шижоат йўқ.

## Қонун нима дейди?

Ҳаммамиз билган, кўрган жуда оддий ва жўн ҳолат: тиланчилар оддий одамлардан уялиш, тортиниш уёқда турсин, ҳатто жамоат тартибини сақловчилардан ҳам ҳайқмайди, қўрқмайди. Нега? Кўпчилик билмас, эҳтимол умуман ишонмас ҳам, лекин тиланчилар ҳам кўчанинг шунчаки одами эмас. Уларнинг аксарияти ортида «рахнамоиси», замонамиз таъбири билан айтганда, «танка»си бор. Ажабланманг! Бутун дунёда шундай! Кимга ёлгон, кимга чин, аммо бу бор гап ва у муҳокама учун алоҳида мавзу.

Ҳўш, тартиб-қоидалар, қонунларимиз ушбу «касб» масаласида нима дейди? Жиноят кодексининг 1271-моддасида тиланчилик билан шуғулланиш, шундай қилмиш учун маълумий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиниши белгилаб қўйилган. Лекин баъзи бировлар ўз манфаатини ўйлаб, қонунга зид иш қилаверади. Хуллас, буёғи «Безнинг иши — беш» деганидай гап.

Нега мана шундай кимсалар яшайдиган ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари, фаоллари, профилактика инспекторлари, жамоатчилик назорати масъуллари тарбиявий, профилактик, тарбия-ташвиқот ишларини намунавий тарзда ташкил этмайдилар? Нима учун кўча ўртасида туриб, транспортлар ҳаракатига халақит бераётгани учун жойлардаги йўл-патрул хизмати ходимлари, участка нозирлари уларга нисбатан қонуний чоралар кўрмайдилар? Бозор атрофлари, зиёратгоҳлар аҳоли гавжма жойлар, бекатлар, автобуслар ва бошқа жойлардаги жамиятимиз кўркіга мана шундай доғ тушираётганларга нисбатан ўз вақтида қатъий чоралар кўрилмас экан, уларнинг сафи кундан-кун камайиш ўрнига кўпаяверади.

Эъзоа ОЛИМОВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

## «Болага сут учун садақа қилинг!»

Эсимда, қиш кунлари, совуқ суякдан ўтадиган ҳаво эди. Метродан чиқишим билан гўдагини бағрига босган ёш онага кўзим тушди. Кўлидаги икки энлик қоғозда эса «болага сут учун садақа қилинг» деган эзув бор эди. Лекин онанинг

уст-боши, эгнидаги қимматбахокийимлари

бошқа нарсалардан сўзлаётгандек. Ўша аёли кунда ўзини ўйламаса ҳам норасидани қандай қилиб кўзи қийди экан? Тиланчилик учун фарзанд восита эмаску? Совуқдан лаблари кўкарган, бурни қизарган жажжи болакайга раҳим келганча автобусга чиқдим. Токи, манзилимга етгунча гўдак кўз ўнгимдан кетмади. Ҳозир ҳам ўша болани эсласам кўнгим бузилади. Кўзимда ёш қалқийди. Унга жуда раҳим келди. Ахир фарзанд омонатга берилган неъмат. Унга ҳибнат қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ...

## Дубси эвазига ҳақ сўрайдиган болалар

Яқинда автобусга чиқишим биланоқ 5-6 ёшлар атрофидаги бир бола ҳам ортимдан югуриб чиқди. У ёқ бу ёққа аланглаб қараганча автобус йўлига чўккалаб ўтирди. Йиғламсираб, дуо ўқиди-да, одамлардан дуоларининг «ҳақи»ни бирма-бир йиға бошлади. Ёнимга келганида кўзларига термилдим. Болакай ҳам менга қараб турди-да, «ҳақи»ни ололмаслигини билди шеклиди, юзини бурди. Болакайни чақриб, ичимдан тошиб чиқатган саволларни ёдгари кетдим: Ота-онанг борми? Қаерда яшайсан? Богчага борасанми? Нега одамлардан пул сўраб юрибсан?.. Саволларимни аранг тўхтатдим. Болакайнинг ҳам жавоби тайёр: Зангиотада яшайман. Ота-онам ҳам бор. Бу ерга акам билан келганман.

Қарангки, тиланчилик қилганидан ота-онасининг хабари бор. Аммо боласини уришмас, бу йўлдан қайтармас ҳам экан. Наҳотки, ота-онасига боласининг қаерда югани, нима қилаётгани муҳим бўлмас? Дуоси эвазига «ҳақ» сўрайдиган бу каби болалар келажақда қандай инсон бўлади? Уларнинг эртаси порлоқ бўлишига ким кафолат беради? Улардан жиноятчи чиқмаслигига ким кафил бўлади? Бағритош оталар ва оналарга айтадиган гапим бор: фарзандингизнинг болалигини қайтаринг. Энг бетакрор, кўча чангитиб, тенгқурлари билан гўборларини чиқарилган тенгсиз даврларини бозорма-бозор, бекатма-бекат, автобусларда сарсон-саргардон тиланчилик билан ўтказишга асло йўл қўйманг. Ахир улар ҳам бошқа ўртоқлари сингари шодон қилиб, ўйнаб юришга ҳақди.

## «Аввал пул беринг, кейин....»

Куни кеча худди шунга ўхшаш ҳолат билан яна тўқнаш келдим. Университет дарвозасининг олдида тишлари тўкилан ширингина болакай «минг сўм беринг», дея ҳали у, ҳали бу олам орасида сарсон. Ундан ойисининг олдига олиб боришини сўрадим. «Аввал пул беринг, кейин олиб бораман», деди. Айёрликни қаранг!? Ойисининг олдида биргалашиб бордик. Аёл кўлида яна бир болани овулганча пиёдалар йўлагининг бир четига ачинарли ҳолда ўтирарди. Салом-алиқдан сўнг уни суҳбатта тортидим:

— Бу сизнинг фарзандингизми?  
— Ҳа.  
— Нега болангиз тиланчилик қилиб юрибди? Ҳали гўдак бўлса? Ўзингиз ишлаб пул топишга ҳаракат қилмайсизми?

Шу гапимдан сўнг аёлнинг икки юзи қизариб, кўзи ёшланди. Йиғи аралаш:

— Синглим, ишлаш учун ҳужжат керак, бизда эса ҳужжат йўқ. Қаерда ҳам ишлай оламан. Ҳўжайиним ҳам ишлаймайди. Кўчадан «бакалашка» йиғиш эвазига кун кўрамай...

Аёлнинг гапини охиригача тинглай олмадим. Кўнглим хира бўлиб, ортимга

қайтдим. Ҳалиги болакай менга эргашди.

— Шу аёл ўз онанг бўладими?  
— Ҳмм. Опажон энди минг сўм бера-сизми?..

## «Шунчаки тиланчилик қилишга ўрганиб қолганман»

Бу воқеалардан ҳам хунукроғига дуч келдим. Курсдошларимиз билан янги лойиҳа устида иш олиб бормоқчи бўлдик. Лойиҳадан кўзланган мақсад кўчада тиланчилик қилаётганларнинг аҳолини, муаммосини ўрганиш ва уларга қўлимиздан келганча кўмак бериш эди. Йўлимиздан биринчи чиққан тиланчи-га юзландик: Опажон, биз булажак журналистларимиз. Сизда қандайдир муаммо бўлса, бемалол бизга айтишингиз мумкин. Сизга қандай ёрдам бера оламиз? Шу саволларни беришимиз биланоқ аёлнинг ранги-рўйи ўзгариб кетди. Уст-бошини ўнглаб:

— Менда ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўғлим, келиним, невараларим, оилам бор. Шунчаки тиланчилик қилишга ўрганиб қолганман.

Мана сизга ҳақиқий томоша! На йиғлашга, на кулишни билдик. Она-хонга устма-уст саволлар бера бошладик. У биздан уяли шекилли, ҳеч бир саволимизга жавоб бермади. Тез-тез юриб, одамлар орасига қўшилиб кетди.

## Мана матонат

Маҳалламизда бир аёл бор. Турмуш ўртоғининг вафотига қалар оиласи тўқиса, ҳеч нарсалардан кам-кўсти йўқ эди. Бахтсиз ҳодиса сабаб турмуш ўртоғидан айрилди. Аввалига болаларини боқишда қийналмади. Аммо ётиб еганга тоғ ҳам чидамас деганларидек, эрининг йиғиб кетгани ҳам кундан-кунга камайди. Рўзгор ташвиши, фарзандлар тарбияси уларнинг таълим олиши, уст-боши, хуллас, барча-барчаси унинг

## «Микрокредитбанк» АТБ Акциядорлари диққатига!

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Сиздан узр сўраган ҳолда Банк акциядорларининг 2019 йил 17 майга чақирилган навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилмаслигини маълум қилади.

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби, ўтказилиши санаси ва вақти тўғрисидаги маълумот қўшимча маълум қилинади.

Батафсил маълумот учун тел: 71 202-99-99 1170



Ўзбекистон ёқилғи-энергетика соҳасидаги энг муҳим тадбир 17 майга қадар давом этади.

# Муқаддас қўрғон масъулияти

«Болагимизда чироқ ўчиб қолса, ҳаммамиз бувимнинг атофида жамулжам бўлардик. Айниқса, қишнинг узун кечаларида, шамчироқ ёруғида эртақ ва ҳикоялар эшитиш биз учун мароқли эди. Бувим «Самарқанд дарвоза»да Абдулла Қодирий билан бир маҳаллада катта бўлган. Шу боис, Қодирийнинг ёшлиги, ижод оламига энди кириб келаётгани ҳақида жуда кўп гапириб берарди. Бувимнинг панд-насихатлари, бир-биридан қизиқ ҳикояларини тинглаш учун ҳам чироқ ўчишини интиқ кутардик. Оила деганда кўз ўнгимда мана шу манзаралар гавдаланади.

Ҳозирги бобо-бувилар ҳам шундайми? Атрофига набираларини тўглаб, эртақ айтиб беришадими? Йўқ. Чунки бугунги болалар, бугунги бобо-бувиларнинг аксарияти интернетдан бўшамайди...»



«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Оммавий ахборот воситаларида оила мавзусини ёритишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзодхон Қудратхўжаев шундай деди.

Хўш, бугун ОАВда оила масалалари қандай ёритилапти? Оила муаммолари чуқур таҳлил этиляптими? Оилавий низоларнинг келиб чиқишига сабаб нима? Тадбир давомида иштирокчиларни қизиқтирган бу каби саволларга «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази директори Дилором Тошмухамедова атрофлича жавоб қайтарди:

— Афсуски, бугун оила масалаларига бағишланган мақолалар жуда кам фоизни ташкил этади. Бу мавзудаги мақолаларнинг аксариятида жиноят тафсилюллари ёки салбий ҳаракатлар ёритилапти, холос. Оила муаммоларининг туб моҳияти очиб берилмаяпти. Маркази-

миз томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларга таҳдидий ёндашилаётгани йўқ. Тадқиқотлар жамоатчилиқка шунчаки хабар тарзида етказилапти. Оилавий муаммолар ёки жиноятларга юзак қарамай, унинг туб илдизини аниқлаш, сабабларини ўрганиш керак. Шундагина кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

Тадбирда ОАВ оила мавзусини ёритишда махсус атамалар — медиа саводхонлик, медиа таълим ва медиа маданият масалаларига алоҳида урғу бериш лозимлиги таъкидланди.

— Бугун журналистга оила мавзуларини ёритишда ҳиссиётга нисбатан далил, шахсий



муносабатга нисбатан мантқиқ, чуқур тартибот-ташвиқотга эга касбий кўникмалар жуда зарур, — дейди Ш.Қудратхўжаев. — Бундан ташқари, баъзи хусусий телеканаллар орқали миллий маънавиятимизга зид, оила даврасида кўриб бўлмайдиган чет эл сериаллари, турли рекламалар намоиш этиляпти. Бу каби ҳаракатлар орқали биз ғарб журналистларига ўхшаб кетяпмиз.

Тадбир сўнггида иштирокчилар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида резолюция қабул қилинди.

Бахринисо МАДУМАРОВА,  
«Жамият» муҳбири

## 18 май — Халқаро музейлар куни ТАРИХИЙ МАНБАЛАР — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Ҳар бир халқ тарихи, маданияти, турмуш тарзи, миллий анъана ва қадриятларини ўрганиш, уларни тарғиб этиш ва келгуси авлодларга етказишда музейларнинг ўрни беқиссир. Шу жиҳатдан қаралганда бу муҳим маданият муассасаларини ўтмиш ва келажакни боғловчи ажиб бир ҳалқага қисқаш мумкин. Бизнинг юртимиздаги илк музейлар йигирманчи асрнинг етмишинчи йилларида ташкил этилган. Масалан, мамлакатимиз маркази — Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон тарихи давлат музейи 1876 йилдан фаолият кўрсата бошлаган. Унинг Марказий Осиёдаги илк музейлардан эканлиги эса бу ҳудудда соҳага қўшилганга нисбатан анча аввал эътибор қаратилганидан далolat беради.

Ер юзининг сайқали ҳисобланмиш қадимий Самарқандга ташриф буюраётган сайёҳлар бу кўҳна шаҳарнинг тарихий манбаларга бой эканини эътироф этишади. Хужжатларда кўрсатилишича, айни пайтда Самарқанд шаҳри ва вилояти ҳудудидagi мавжуд маданий мерос объектлари сони 1850 тани ташкил этади. Уларнинг 1105 таси археология, 669 таси меъморий, 27 таси монумент ёдгорликлари, 39 таси эса меъморий лавҳалардир. Дикқатга сазовор жойлар 37 талдан иборат.

2001 йилнинг декабрь ойида қадимий шаҳар маркази «Самарқанд маданият чорраҳаси» номинациясида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. 2004 йилнинг 25 августидан Самарқанд шаҳар ҳокимлигига бу ҳақда ЮНЕСКО томонидан махсус сертификат топширилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун Самарқанд музейларида кўплаб кўргазма ва экспозициялар савлат тўкиб турибди. «Марказий Осиёда ёзувнинг пайдо бўлиши тарихи», «Ўзбекистон заргарлик буюмлари», «Жонажон диёр», «Самарқанд: кеча ва бугун», «Болалар кийимлари кеча ва бугун», «Болалари соғлом юртнинг келажак порлоқ бўлади», «Ўзбекистонда културчилик санъати», «Ўзбекистонда металл бадий ишлов бериш санъати», «Ўзбекистон жаҳон маданияти чорраҳасида», «Мустанқиллик экспозицияси», «Ранг-тасвир экспозицияси», «Ўзбекистон каштачилиги», «Ўзбекистон гиламчилиги» қабилад шулар жумласидандир.

Музейлар фондидаги экспонатларнинг сифати бузилмаслиги учун уларга доимий равишда ишлов бериб турилади. Музей-кўриқхона таркибидаги музейларда 2180 донга ашёлар ва коллекциялар сақланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирадлар Маҳкамасининг «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси тизимида «Музейлар ҳафталиги» тадбирларини ўтказиш оdatий тусга кирган. Ишлаб чиқилаётган режага асосан бундай тадбирлар, кўргазмалар ва экспозициялар намоишлари ўтказилапти.

Барно АБДУНАБИЕВА,  
Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси  
матбуот котиби

# «Ўлай агар, журналистлигимни айтмайман»

Мухокама

Яқинда қишлоққа бориш учун таксига ўтирдим. Машинада икки киши бор экан, ҳайдовчи яна бир йўловчи топиб келиш учун бекаат томон кетди.

Ҳамроҳларим билан салом-алик қилдим. Бироздан сўнг улар нима иш қилишни, нега йўлга отланганим ҳақида суриштириб қолди.

— Ота-онамни кўргани кетяпман, шу ерда ишлабман, — дедим-у, гапни чўзмай, — журналистман, — дедим. Шунда олди ўриндиқдаги амаки худди тилла топгандек хурсанд нигоҳда ярқ этиб менга қаради:

— Сизни Худонинг ўзи етказди, укам, — деди. Тушундимки, унинг бир «ларди» бор...

У киши бир папка қоғозни кўрсатиб мурожаат қилмаган жойи қолмагани, ҳалигача муаммоси ечим топмаганини айтиб қолди.

— Ҳозир ҳам телевидение тахририятдан кетяпман, мурожаатимни ўрганиб чиқамиз дейишди, — деди у.

Маълум бўлишича, у ўз акасига олди-сотди учун 20 минг доллар тутқазган. Акаси унинг улушини кечиктириб берган. Энди бу «жабрдийда» ундан ўша 20 минг долларни ҳам қайтариб олмақчи экан.

— Акангиз кеч бўлса ҳам улушингизни берибди-ку. Ундан яна ўшанча суммани ундириб олиб нима қиласиз? Яна бегона-мас, жигарингиз бўлмас...

Бу гап амакига зигирча ҳам таъсир қилмади. Баттар жағи очилди:

— Ўша пула харид қилинган товар шунча суммалик экани ростми, ёлғонми мен қаёқдан биламан. Пулимни қайтариб олишим керак барибир.

Тушундимки, тортишдан наф йўқ.

Шу пайт иккинчи ҳамроҳим гап бошлаб қолди:

— Мен учинчи гуруҳ ногирониман, давлат пойтахтда даволанишимга ёрдам

беради. Аммо бу сафар йўланма билан келсам, шифокорлар жой йўқлигини вақ қилиб, беш кундан сўнг келишимни айтди. Бироқ йўланма бўйича беш куним «қуйиб» кетаркан. Бу қанақаси? — деб шифокорлар устидан шикоят қилиб қолди.

— Буни ҳар томонлама, яхшилаб ўрганмай туриб, сизга аниқ бир нарса дейишим қийин. Суриштириб, қўлдан келганча ёрдам бераман, — дедим.

Сўхбат авжга чиқди, ҳамроҳларимнинг бичи қўйиб, иккинчиси ҳали у, ҳали бу ташвишдан дийдиё қилди. Уларнинг арзимаган иш, ташвишдан ҳам катта муаммо «ясаб» олгани мени ажаблантирди. Гапирсам, тушунтирсам, фойдаси бўлмади. Хуллас, арзу эътирозларининг адоғи кўринмади. Охири, пичоқ суякка етди. «Дардаш»ларимнинг гапни шартга бўлдим:

— Энди мени ҳам эшитинглар, — дедим.

дим уларга юзланиб. — Шу десангиз, беш йилдан буён имтиёзли уйимнинг қурилишини кутаман. Кутсам яна кутавераман-у, лекин бола-чақа қишлоқда, ўзим шаҳарда, уларни олиб келишни чўнтак кўтармайди. Қишлоққа қайтай десам, тайинли иш йўқ. Ота-онам ўқитувчи. Отам безори ўқувчини урани учун боши суздан чиқмайди. Отам бечоранинг маошидан ҳар ой коммунал тўловлар учун ушлаб қолинади, қарзимиз бўлсаю бўлмас фарқи йўқ. Хотинимнинг иш жойидан «ҳалёб декретта чиқадиган бўлсангиз, аризангизни ёза қолинг!» деб дакки беришяпти. Катта ўғлим отамдан «Дадам бизнинг қанақа қариндошимиз бўлади?» деб сўрабди, — дея гапни якунладим.

Шерикларим кўзларини чақчайтириб, менга жи-и-и-и тикилиб қолди. Шу пайт машина эштки очилиб тўртинчи ҳамроҳ келди-ю, салом-алик ҳам қилмай, йўлқиранинг осмонга чиқиб кетгани, ўз машинасида Тошкентга келиб-кетай деса, радарга тушишга тоғати йўқлигиндан нолиди. Шу тобда кўнглимдан ўтгани шу бўлди: ўлай агар, тўртинчимизга журналистлигимни айтмайман!..

Бегали ЭШОНҚУЛОВ



КИСКА  
САТРАЛДАРДА  
ЎҚИҒИ!

Тошкентда нефть-газ соҳаси бўйича халқаро конференция ва кўргазманинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.


**Абдусайд Кўчимов**
*Масоҳиф*

Дунё тўла эмиш тасодифларга,  
Тасодиф дунёга хукмрон эмиш.  
Сирли куч бор эмиш тасодифларда,  
Улар гоҳ тўфонмиш, гоҳ бўрон эмиш.  
Бошингни силаса бир кун эрталаб,  
Тарвуздай ёрармиш иккинчи кун.  
Бўлмагани каби суюб, эркалаб,  
Асло жазолаб ҳам бўлмасмиш уни.  
Донишманд дермиши, йўқдир тасодиф,  
Кутлуғ ҳақиқат бор ягона, бекам.  
Аслини олганда ҳар бир тасодиф  
Аччиқ ҳақиқатнинг меваси экан.

**ТЕСКАРИ**

Ёшлиқда вулкондек шиддат бор, бироқ  
Ноёб тажриба йўқ кексаликка хос.  
Қаричилик эса шиддатдан йироқ  
Унинг бор давлати тажриба, холос.  
Ёшлиқдаги ғайрат, шижоат, шиддат  
Қариган чоғда ҳам бўлсайди агар...  
Ҳазрати инсон, деб атаймиш хилқат  
Балки, бўлар эди яна мукамал.  
Аммо ҳаёт бунга бермайин имкон,  
Устимиздан яйраб кулавераркан.  
Куч кетиб, белини шовшаган замон  
Тажриба тиржайиб кулавераркан.

**ТЎРТЛИКЛАР**

Ҳаёт бозор эди бизларгача ҳам,  
Биздан сўнг ҳам шундай қолаверади.  
Бозорда савдомиз тамом бўлган дам,  
Мозорлар бағрига олаверади.

\*\*\*

Тавалло қилса ҳам, чекса ҳам фиғон  
Ишонма, дўст бўлиб қолмайди бахил.  
Юз марта пўстини ташлаган илон  
Ипакка айлаиб қолмайди, ахир!

\*\*\*

Агарки, кимгадир қилсанг яхшилик  
Ўша нафасдаёқ эсингдан чиқар.  
Аммо кимлардандир кўрсанг яхшилик  
Унутма энг сўнгги дамингга қадар.

**АЖИН**

– Олтмишдан ошса ҳам пешонасида  
Бир тола ажин йўқ, чирик йўқ, қойил.  
– Ишламаган бошининг пешонасига,  
Ҳатто, ажинлар ҳам бўлмайди ноийл.

**ИМОН**

Битта чумолига етказмай озор,  
Битта капалакка беролса ёрдам.  
Демакки, бу зотда ҳали виждон бор,  
Демакки, бу зотнинг имони бардам.

**Огоҳ бўлинг, одамлар!**

**Ўсмир кўчанинг  
боласи эмас,  
юртимиз эгаси**

**В**ояга етмаганлар ўрта-  
сида турли кўнгулсиз  
ҳолатларнинг олдини олиш,  
уларнинг бўш вақтини маз-  
мунли ташкил этиш ҳамда  
умумтаълим мактабларидаги  
давомат кўрсаткичларини  
мунтазам назорат қилиб бо-  
риш мақсадида Каттакўрғон  
туманидаги бозорлар, турли  
хизмат кўрсатиш шохобча-  
лари, жамоат жойларида  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
туман кенгаши томонидан  
ҳамкор ташкилотлар иштиро-  
кида «Ўқувчи рейди» ўтказиб  
келинмоқда. Айрим таълим  
муассасаларида назоратнинг  
бўшаштириб юборилгани  
ўқувчиларнинг саёқ юришига  
олиб келмоқда.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўми-  
таси, Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши,  
ички ишлар бўлими, туман халқ таъли-  
ми бўлими ҳамкорлигида ўтказилаётган  
ушбу профилактик тадбирлар давомида,  
афсуски, ота-она ва таълим муассасаси  
педагогларининг назоратсизлиги оқиба-  
тида айрим ўқувчилар дарс вақтида кў-  
чала турли юмушлар билан машғуллиги  
аниқланди.

Жумладан, Пайшанба — деҳқон бо-  
зори ҳамда унга тутан қўчаларда ўткази-  
лган шундай назорат тадбирларида  
Муқаддас Абдурашулова раҳбарлик қи-  
лаётган 21-умумтаълим мактабининг  
10-синф ўқувчилари Амина Султонова,  
Нилуфар Абдусатгоровва, 2-умумтаълим  
мактабининг 8-синф ўқувчиси Бехруз  
Неъматуллаев, 46-умумтаълим мактаб-  
нинг 10-синф ўқувчиси Оқил Сақлаев  
ҳамда 98-умумтаълим мактабининг 10-  
синф ўқувчиси Шохруз Сағдуллаевлар  
дарс вақти бўлишига қарамасдан, ўзла-  
рининг «муҳим» фаолияти билан машғул  
экан. Масалая ойдинлик киритиш учун  
масъуллар билан суҳбатлашганимизда  
вазиятни ҳасилушланишдан нарига ўтма-  
ди. Хусусан, рейд давомида дарсга қат-  
нашмасдан, бозор худудига юрган Оқил  
Сақлаев таълим оладиган мактабининг  
маънавий-маърифий масалалар бўйича  
директор ўринбосари Ақтам Қувватов бил-  
ан суҳбатлашдик:

— Ушбу ўқувчи уйда онаси касаллиги  
сабабли туман марказига дори олиб ке-  
лиш учун борган экан, — дейди А.Қув-  
ватов. — Синф раҳбаридан жавоб сўраган.  
Ушбу ҳолатни синф раҳбари, ёшлар етак-  
чиси иштирокида муҳокама қилдик...

Ваҳоланки, ўқувчи билан суҳбат ўткази-  
лганда мактабга сабабсиз бормасдан,  
онасининг қистови билан телефон аппа-  
ратини созлатиш учун Пайшанба деҳқон  
бозоридаги устaxonага кетган. Ана энди  
масалая ўзингиз баҳо берин! Директор  
ўринбосари ёлгон гапиряптими ёки ўқув-  
чи?

Ачинарлиси, айрим ўқувчилар дарслар  
тугамай мактабдан қочиб компьютерхо-  
наларга боришни одат қилган. Рейд даво-  
мида 4-умумтаълим мактабининг 9-синф  
ўқувчилари Меҳриддин Исломов, Ис-  
лом Иззагуллаевлар дарсда бўлиш ўрнига  
«Алишер Навоий» маҳалласида жойлаш-  
ган компьютер клубида турли ўйинлар  
билан машғуллигига гувоҳ бўлдик. Кат-  
такўрғон шаҳар халқ таълими бўлимига  
қарашли 9-мактабининг 9-синф ўқувчиси  
Миржалол Шавқиевни ҳам кўчада бемақ-  
сад юрган ҳолатида учратдик.

Ўқувчилар дарс вақти масжидларга бо-  
риши ҳолатларига дуч келяпмиз. Бунинг  
ёмон жойи йўқдир, лекин дарс вақтида  
мактабда бўлиши керак эмасми? Шунинг-  
дек, Пайшанба шаҳарчасида жойлаш-  
ган «Сайид Жалолидин» жоме масжиди  
атрофида 1-ИДУМнинг 2-синф ўқувчиси  
Муҳаммадсултон Санаев, 8-синф ўқув-  
чиси Улмас Файзуллаев «Рамазон тақви-  
ми»ни сотиб юрганига қандай қараш ке-  
рак? Бу борала ўқувчи Муҳаммадсултон  
Санаевнинг бобоси Ҳабибулло Файзул-  
лаев билан гаплашганимизда у киши ҳам  
вазиятни юмшатишга уринди:

— Сизларнинг ёш авлод келажаги йў-  
лида олиб бораётган бу ишларингиз жуда  
ўринли, — дейди отахон. — Набирам ўша  
кун мени масжидга олиб келган эди.  
Унинг бекор юришига йўл қўймаймиз.  
Агар ҳаракатимиз ноўрин бўлса, кечира-  
сизлар, ушбу ҳолатни такрорламаймиз.

Вояга етмаганлар таълим-тарбияси,  
уларнинг камоли учун барча бирдек ма-  
съул эмасми? Бундан кўринадики, шун-  
дай пайда боланинг таълим тарбияси  
учун имасъул бўлган — ота-она, маҳалла  
зиёлилари, ўқитувчилар томонидан на-  
зорат, афсуски, қўлдан бой берилмоқда.  
Уларни бу ёшда ўзибўларчиликка қўйиб  
қўйиш оқибатида ҳар хил муҳим ҳо-  
дисалар рўй бераётгани хурматли синф раҳ-  
барлари, ота-оналарга сабоқ бўлмайптими?

Ўйлаймизки, юқорида номи келти-  
рилган ўқувчиларнинг ота-оналари ҳамда  
синф раҳбарлар, таълим муассасаларининг  
раҳбарлари бундан тегишли ҳуло-  
са чиқаришади. Биргина худудда шунча  
эйтиборсизлик бўлса, юртимиз бўйлаб  
давом этаётган аҳволни ўйлашнинг ўзи  
кўрқинчли. Бундай рейдлар ҳали давом  
этади. Зеро, ўсмир кўчанинг боласи эмас,  
юртимизнинг эгасидир.

**Шухрат ҚАРШИЕВ,**  
«Жамият» мухбири

**Жараён**

# Мамлакат барқа- рорлигининг асоси

**Х**ар қандай Конс-  
титуция мам-  
лакат тарихининг  
асосий босқичлари,  
реал ижтимоий тур-  
муш, ғайвий кадр-  
ятлари ва анъанала-  
рини акс эттиради.  
Бу борада Германия  
Федератив Респуб-  
ликасининг Асосий  
Қонуни фикримизга  
исбот бўла олади.  
Унда немис консти-  
туциявий ҳуқуқий  
институтлари, сиё-  
сий демократия ва  
ҳуқуқий маданият-  
нинг тарихий ривож-  
ланиш тажрибаси ўз  
аксини топган.

Юртимизда айни давлатнинг Асосий  
Қонунига бўлган қизиқиш табиий. Чунки  
бу давлат бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий  
ривожланишнинг барча кўрсаткичлари  
бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирида.

Шунинг учун ҳам Инсон ҳуқуқлари  
бўйича Ўзбекистон Республикаси Мил-  
лий маркази ва Фридрих Эберт номи-  
даги жамгарма «Германия Федератив  
Республикасининг Асосий Қонуни»ни  
ўзбек ва немис тилларида нашр этди.  
Мазкур нашр ҳуқуқшунослик ва сиё-  
сат факультетлари талабалари, давлат  
ҳуқуқ ва конституциявий ҳуқуқ соҳаси-



да фаолият юритаётган олимлар, кенг  
китобхон оммаси учун фойдалидир.

Ўзбекистон Миллий университетидида  
китобнинг масъул муҳаррири академик,  
юримдик фанлар доктори, профессор,  
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон  
Республикаси Миллий маркази дирек-  
тори Акмал Саидов иштирокида унинг  
тақдимоти ўтказилди.

Унда университетнинг немис фило-  
логияси факультети талабалари, ўқи-  
тувчилар иштирок этди. Ингилганлар  
икки давлатнинг Асосий Қонунлари-  
даги мутаносибликлар, янада ўргани-  
лиши керак бўлган жиҳатлар хусусида  
атрофлича суҳбатлашишди.

Талабалар мутахассислардан ўзларини  
қизиқтирган саволларга батафсил жавоб  
олишди. Якунда А.Саидов иштирокидаги  
яна бир нечта китобларнинг тақдимотини  
шу ерда ўтказишга келишиб олинди.

**Нуриддин НОРСАИДОВ**

Ўзбекистонда биржа савдоларида олтин сотуви ўсиб бормоқда. Тилланинг қиймати  
69,6 миллион сўмга тенг бўлди.



## Робот мақола ёзди

«Esquire» журналининг Сингапур версияси ноанъанавий тарзда чоп этилди. Нашрдаги мақолаларнинг бир қисми тўлиғича сунъий идрок ёрдамида, яна бир қисми махсус бот томонидан ёзилган.

Маълумотларга кўра, материаллар ёзиш учун «AI Square» номли бот яратилган. Албатта, технология томонидан тайёрланган мақолалар нашр ходимлари томонидан тахрир қилинган.

Журнални чоп этиш учун иккита муқова тайёрланган. Биринчи ҳақиқий актёр — Николай Костер-Валдаунинг, иккинчисидан эса «Blawko» исмли тўқима мушакчанинг сурати акс этган.

«Conde Nast Traveller» журнали собиқ бош муҳаррири Геннадий


Мутасовнинг айтишича, журналнинг ушбу сонидан муҳаррирнинг иккита хати бор. Бир ҳақиқий одам томонидан 2,5 соатда, иккинчиси эса робот томонидан 2,5 дақиқада ёзилган. Очиги, уларнинг қай бири яхшироқ эканлигини айтиш қийин.



## Астронавт олган сурат

Халқаро космик станцияда астронавт ўзгача манзарани тасвирга туширди. У булутларнинг ҳалқа кўринишига келган жараёнини суратга олди.

Станция Ер атрофини ҳар 90 дақиқада айланади. Унда турли мамкалатлардан бўлган астронавتلар фазо билан боғлиқ турли илмий изланишларни олиб боради. Шу билан бирга улар баъзан мана шундай ўзгача манзараларни суратга олади.



## Коинотдаги устунлик тикланади

АҚШ Президенти Дональд Трампнинг маълум қилишича, «NASA» учун Ой ва Марсни ўзлаштиришга қўшимча маблағ ажратилади.

— Раҳбарлигим даврида «NASA»нинг коинотдаги устунлиги тикланмоқда. Биз Ойга қайтамыз, сўнг Марсга йўл оламиз, — дея ёзув қолдирган Трамп «Twitter» даги саҳифасида.

Ажратиладиган қўшимча маблағ миқдори 1,6 миллиард долларни ташкил этиши айтилмоқда.

## Чилида қадимий одам излари топилди

Чилида ёши 15,6 минг йилли ташкил этувчи қадимий одам излари топилди.

Чили университети олимлари бу изларни 2011 йили, Осорно шаҳрида олиб борилган тадқиқотлар вақтида топган. Оралдан анча вақт ўтгач, бу излар 2,588 миллион йил аввал бошланиб, 11,7 минг йил аввал тугаган сўнгги Плейстоцен даврига оидлигини аниқлади.

Олимларнинг таъкидлашича, қазинмалардан олинган туپроқ қатламида тошдан ясалган қуроллар топилган бўлиб, бу Жанубий Америкада ўша пайтларда одам яшаган, деб ҳисоблашга асос бўлиши мумкин. Чилилик археологлар бундан аввал ҳам 14,6 минг йиллик изни топган эди. Бироқ шундан кейин ҳам бу қитъага одамлар қачон келиб жойлашгани ҳақидаги баҳс-мунозалар тўхтамади.

Ҳозирги вақтда энг қадимги одам излари Танзанияда топилган бўлиб, унинг ёши 3,5 миллион йилга тенг, деб баҳоланади.

## Интернет асосчиси бугунги интернет ҳақида

Интернет асосчиси Тим Бернерс-Ли унинг яратилганининг 30 йиллигига бағишлаб очиқ хат эълон қилди. Унда тармоқ имкониятларининг хавфли жиҳатлари хусусида ҳамда уни яхшилаш бўйича сўз юритилган.

«World Wide Web Foundation» ташкилоти сайтида нашр қилинган хатда Бернерс-Ли глобал тармоқ орқали одамлар ҳаётига қулайлик олиб кирди. Аммо интернетда асосий хавфлар ҳам борки, улардан эҳтиёт бўлиш керак.

Хусусан, давлатлар томонидан молиялаштирилган ҳақерлар ҳужуми каби қасддан қилинган ҳаракатлар ва интернетда

ги жиноят, қалбаки рағбатни яратувчи, кликбейт ва ёлгон хабар тарқатилишини қўллаб-қувватловчи платформалар, ижобий мақсадларни кўзлаб яратилган платформаларда онлайн-мулоқот вақтида маданиятнинг пасайиши каби қутилмаган салбий оқибатларнинг юзага келиши шулар жумласидан.

Интернет асосчиси бу муаммоларни янги қонуларни яратиш, тармоқ фойдаланувчилари учун рағбатни ўзгартириш, шунингдек, мавжуд платформаларни кўздан кечирish ва янгиларини яратиш орқали ҳал этишга ҳақирди.

## Нон саломатлик учун зарарлими?

Гарвард университетининг соғлиқни сақлаш мактаби олимлари нон таркибидан соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган модда борлигидан огоҳлантирди.

Маълум бўлишича, нон таркибидан пропионат (моғор босишининг олдини оловчи махсус қўшимча) семизлик ва диабет касаллиги ривожланиши хавфини келтириб чиқарувчи гармонлар даражасининг ошишига олиб келиши мумкин.

Олимлар сичқонлар ва одамларда тадқиқот ўтказган. Биринчи ҳолатда улар сичқонларга пропионат киритган. Шундан

сўнг сичқонларда глюкогон ва норадреналин миқдори ҳамда ёғ кислоталарини боғловчи FАВР4 оқсил миқдорининг ошганлиги қайд этилган.

Иккинчи тадқиқотда 14 нафар кўнгилли иштирок этган бўлиб, улар икки гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ таркибидан пропионат бўлган овқат истеъмол қилган, иккинчиси эса плацебо олган. Бундан биринчи гуруҳдагиларда ҳам глюкогон, норадреналин ва FАВР4 оқсил миқдорининг ошгани маълум бўлган.

## Японияда навбатдаги учқур поезд

Мамлакат навбатдаги тезюрар поездни тақдим этди. Ушбу транспорт модели «JR East» компанияси томонидан яратилган. Соатига 360 километр тезликда йўловчи ташишга мўлжалланган поезд синов тариқасида Сендай-Аомори йўналиши бўйича ҳаракатланади.

«Alfa-X» номини олган поезд техник кўрсаткичлари жиҳатидан ҳаракатланиш тезлигини соатига 400 километргеча ошира олади. Бу дунёдаги йўловчи ташувчи барча тезюрар поезд моделлари орасида энг юқори натижадир. Поездининг йўловчиларсиз ўтказилган дастлабки синовини май ойида бўлиб ўтди.

«Alfa-X»нинг ташқи дизайни ва корпуси ҳам ўзига хос услубда

ишлаб чиқилган. Бошқарув кабиниси қулай ҳамда тумшук қисми узун чўзилган бўлиб, у ҳаракат вақтида қаршилиқни камайтиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, муҳандислар оролининг маҳаллий ўзига хослиги — тез-тез зилзилалар содир бўлишини ҳам эътиборга олган. Тезюрар поездда махсус механизмлар мавжуд бўлиб, улар содир бўлиши мумкин бўлган табиий офат оқибатларини бартараф этишга ёрдам беради.



Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Навоий вилояти бутунлай эркин иқтисодий зона деб эълон қилинди.

КИСҚА САТРЛАРДА УҚИҒИ



# Чироғи ёниқ уй

**Инсон умрининг саодатли бўлиши учун унинг ҳар бир қадамида поклик, меҳр ва муҳаббат, сабр ва садоқат, сабот, етишмовчилик, ибратли ҳаёт йўли бўлиши муҳаррар. Шунинг учун ҳам бу ўткинчи дунёдан умидвор инсон борки, ҳаёт йўлларини яхшиликлар билан безаб ўтишга ҳақли ва бунга интилади.**



Орамизда кимлар бор эди, деган саволга кўп бора жавоб излаймиз. Ҳар биримизнинг оила, маҳалла-қўйда йўқотганларимиз ва кечмишимиз мавжуд. Туғилиш, яшаш... Бу сўзларнинг маъноси бахт, толе, қисмат ўлчамлари билан изоҳланади. Яхши бир эътиқод билан яшаган бахтли, элда ўз ўрнини, изини қолдириб кетган эса тахтлидир.

Қадим Шовот элининг Катқалба қишлоғида шундай инсонлардан бири яшаб ўтди. У бутун ҳаёт йўли давомида одамларга эзгу ишлари, эзгу сўзлари билан яқиндан ёрдам берган, қанча-қанча инсонларни тарбиялаб, воёга етказган, саводини чиқарган устоз, «Жасорат» медали соҳиби Олимбой бобо Оллаёровдир.

бошланиб қолади. Олимбой иккита амакиси билан 1942 йили фронтга жўнайдди. У урушнинг энг дахшатли, суронли жараёнларини бошидан кечирди. Олимбой Оллаёров 1944 йилда офир ярадор бўлиб юртга қайтди...

1945-1950 йилларда «Курақлар» қишлоғидаги 31-сон тўлиқсиз ўрта мактабда директор бўлиб иш фаолиятини давом эттирди. 1951 йилдан 5-сон мактабда дастлаб директор, кейинчалик ўқитувчи бўлиб ишлади. У педагогик фаолияти давомида жуда кўп шогирдлари етиштирди. Олимбой то 72 ёшигача таълим соҳасида ишлади.

етти ўғил ва уч қиз ато этади. Уларнинг фарзандлари 12 нафарга этади.

Бугун 56 невара, 81 чевара, 9 нафар эвараси бор. Фарзандлари эса ҳар жабҳада илгор, эл қорига ярайдиганлардан. Каттаси Илҳомбой Оллаёров 74 ёшда, Жамила Оллаёрова ҳам бугун қарилек гаштини сурмоқда, Фарҳоджон фермерликни касб қилди. Бутунги кунда нафақада. Ишпани фарзандлари давом эттирмоқда. Саловат Оллаёров дуралдор, Шодмоной Оллаёрова тарбиячи, Озодбой ўғли ҳайдовчиликдан ёшларга таълим берипти. Шу билан бирга талбиркорлик билан ҳам шуғулланади. Қишлоқ марказида «Олим ота» қурилиш моллари дўконини бошқариб келмоқда. Замира ва Манзура Оллаёровалар ўқитувчи, Мақсуд Оллаёров бозор раҳбари, Али Оллаёров савдо соҳаси ходими, оиланинг кенжаси Ғани Оллаёров устачиликни касб қилиб, эл ишига қамарбаста. Бутун улар ҳам авлодларига бобосидай элга керакли инсон бўлиб яшаш ҳақида сабоқлар беришмоқда.

Олимбой бобо агар ҳаёт бўлганида бу йил 100 баҳорни қаршилаган бўларди. Ўғилжон она эса ҳозирда пиру-бадавлат онахон бўлиб, қарилек гаштини сурмоқда. У яқинда муборак 1000 ойини нишонлаш арафасида.

— Бобомнинг мумтоз шеърятга жуда ихлоси балан эди. Айниқса, Алишер Навоий,

Огаҳий, Фузулий ғазалларини берилиб айтарди. Ўзи ҳам шеърлар машқ қилар ва ёзганларини бизга ўқиб берарди. Шуларнинг таъсирими, Илҳом аканинг барча фарзанди ўқитувчилик касбини танлаган, — дейди Олимбой бобонинг невараси, тумандаги 5-сон мактабнинг тил ва адабиёт фани ўқитувчиси Шахло Оллаберганова.

Яқинда у ишлаган 5-сон умумтаълим мактабида Олимбой бобо Оллаёровнинг хотира кечаси ўтказилди. Унда отанинг шогирдлари ўғил-қизлари, невараро кизлари, қўйинги, бутун маҳалла аҳли тўланди. Улар отанинг ҳаётлик даврида қилган эзгу ишларини эста олишти. Шундан сўнг мактаб спортчилари ўртасида хотира турнири ҳам ўтказилди.

Ҳа, инсон хотираси муқаддас. Хотира уйғонса гўзал, дейишади. Олимбой бобонинг бу ёруғ дунёдан ўтганига 16 йил бўлди. Унинг хотираси уни таниган, билганларнинг ёдида мангу. Бутун Олимбой бобо бошлаб берган ҳаёт йўлини фарзандлари, невараро чеваралари, шогирдлари давом эттирмоқда. Унинг изи обод, хонадонининг чироғи ҳамиша ёниқ.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ**

## Бола боддан дегани тўғри



«Болани сўксанг — бети қотар, урсанг — эти» — деган мақолга эътирозим йўқ. Бъзи одамларнинг айбини айтиб, танбёх берсангиз, кўзини лўқ қилиб, без бўлиб тураварди. Назаримда бу тоифа одамлар болалиғида кўп сўкиши эшитаверганидан бети қотиб кетган бўлса керак. «Таёқ айқиқи ҳам мулла қилар» — бу мақолни бола тарбиясига қўлаб бўлмайди. Агар таёқ яхши тарбия воситаси бўлганида эди, унинг ижобий самарасини энг кўп таёқ ейдиган эшакда кўрган бўлардик. Бу борада Сукрот ҳақимнинг «Сўз таъсир қилмаган одамга калтак ҳам ўтмайди», деган ҳикматлари гоят уринлидир. Абулқосим Заманширийнинг «Виждон азобию таънадан тўғри бўлмаган кимсани таълим-тарбия ва қийнаш билан ҳам тўғрилаш амримаҳол», деган ҳикматлари неча асларни оралаб бизга етиб келибдими, демак, ҳаёт тажрибасидан ўтган айни ҳақиқатдир.

**Тоҳир МАЛИК,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

Кун иккача устоз адиб билан боғланиб, газета учун мақола сўраганимизда, хасталикларини билдирган, ижтимоий тармоқдаги саҳифаларидан фойдаланиш мумкинлигини айтган эдилар. Орадан бир кун ўтиб эса совуқ хабарини эшитдик. Жамоамиз номидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг яқинлирига ҳамдардлик билдираимиз.

*Тахририят.*

17 май		18 май		19 май		20 май		21 май		22 май		23 май	
☀️	+28°C	☀️	+24°C	☀️	+25°C	☀️	+29°C	☀️	+31°C	☀️	+26°C	☀️	+28°C
🌙	+16°C	🌙	+14°C	🌙	+15°C	🌙	+16°C	🌙	+17°C	🌙	+15°C	🌙	+16°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

### ЖАМИЯТ

**Муассислар:**  
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.  
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.  
Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.  
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

**Бош муҳаррир**  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

**Тахрир ҳайъати:**  
Рустам Комилов  
Рустам Қосимов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Шавкат Жавлонов  
Руфат Нейматов

Газета тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-514 Адади: 2005.  
Жума куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоиси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

**Навбатчи:** Баҳринисо Мадумарова

**Дизайнер:** Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 236-10-87, 233-91-55  
Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@gmail.uz  
Газета индекси — 131  
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.  
ЎЗА якуни:  
Топширилган вақти: 21.15  
1 2 3 4 6

**bong.uz**

АССОС ШОБИЪТ СИБСОЛ МИРОҚАТ ВА БИНИНГ ҚИЗҚИНОС СПОРТ

Сўнги янгиликлар

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик вафот этди

Бизни ижтимоий тармоқларда топинг:  
Телеграм: <https://t.me/bonguz1>  
Фейсбук: [www.facebook.com/bonguznews](http://www.facebook.com/bonguznews)

Фарғонада сўнги 4 тўрт ой мобайнида 7 нафар шахс оқланди, 124 кишига кафиллик берди.

